

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИ БИОЛОГИЯСИ ТАРҚАЛИШИ ЗАРАРИ

Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти

Бекмуродова Нилуфар

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистр.

Аннотация: Колорадо кунгизининг асл ватани Мексика. Аммо, 1859 йилда АКШнинг Колорадо штатидаги картошка далаларида уюштирилган дахшатли «киргин»дан сунг хозирги номи берилган. Ушбу хашарот Ўзбекистонга илк бор 1974 йилда Белорусдан келтирилган картошка уруглиги билан бирга келган.

Annotatsiya: Mexico is the birthplace of Colorado day. However, in 1859, the Sung got its current name from a terrible "Kirgin" organized in the potato fields of Colorado, USA. This insect first came to Uzbekistan in 1974 with potato seeds imported from Belarus.

Калит сўзлар: Колорада қўнғизи, *Leptinotarsa decemlineata*, тана барг, поя.

Key words: Colorado potato, *Leptinotarsa decemlineata*, body leaf, stem.

Қириш Колорада қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say.) **баргхўрлар** туркумининг қўнғизлар оиласига мансуб хашарот, ашаддий хавфли ўсимлик зараркундаси. Танаси ўз. 9 — 12 мм, **елка** ва уст қаноти сарғиш ёки сарғишқизил, олдинги елкасида 12—14 та қора доғлари бор, қаноти устидан 5 та қора **чизик** ўтган. Тухумининг катталиги 1,2—1,8 мм, қурти уз. 15—16 мм, пуштиқизил, ғумбаги 10—12 мм. Колорадо қўнғизи тупроқда (20—50 см чуқурликда) қўнғизлик даврида қишлаб, апр. ойида қишловдан чиқади

ва [ўсимликлар](#) билан озиқланади. Урғочи қўнғизлари ўсимликлар барги орқасига, ўсимлик қолдиқларига 12—80 тадан тўп-тўп қилиб [тухум](#) қўяди. Битта урғочи қўнғиз 500 — 800, баъзида 2400 гача тухум қўяди. Тухумларининг ривожланиши 3—5, ғумбагиники 6—9 [кун](#). Тухумдан чиққан [қуртлар](#) 20 кун атрофида ўсимликлар барги билан овқатланади ва тупрокда ғумбакка айланади. 1—2 ҳавфтадан сўнг ёш [қўнғизлар](#) пайдо бўлади, [барг](#) билан овқатланиб, [яна](#) тухум қўяди. Колорадо қўнғизи картошка, помидор, бақлажон, тамаки, қалампир, ёш [терақ](#) ва турли итузумсимон ўсимликларга [зарар](#) етказиши. Бир туп картошкада ўртача 20—40 [қурт](#) ва қўнғиз тўғри келганда ўсимлик баргининг ярмисини еб, ҳосилни 2—3 марта камайтиради. Барги тўлиқ еб битирилган ўсимликлар ҳосили эса 10 мартагача камайиши мумкин. Колорадо қўнғизи Ўзбекистонда обҳаво шароитига қараб 2 — 4 марта [насл](#) беради.



1-расм Колорадо кунгизи

Ҳозир Хоразм, [Бухоро](#) вилоятлари ва Қорақалпоғистондан [ташқари](#) барча вилоятларда тарқалган, картошка, [бақлажон](#) экинзорларига катта зарар етказмоқда.

Колорадо кунгизи уч йилча ҳеч нарса емасдан яшаши мумкин. Жонивор жуда айёр, хавф сезганда узини уликка сола олади. Шунингдек, организми унча-мунча захарга мослашувчан, яъни тезда унга қарши иммунитет ҳосил қилади. Кунгиз Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан ташқари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида тарқалган. Бу зараркунанда картошка баргини кемириб зарар етказиши, айрим ҳолларда

хосилни 50 фоизгача нобуд килиши мумкин. Яна баклажон ва помидорга ҳам жиддий зарар етказди.

Карши кураш усуллари : 1. Пиёз пустлоги. Маълум булишича, Колорадо кунгизининг — пиёз, калампир, хантал, саримсок ва ялпизнинг уткир хидига «токати» йук. Шунинг учун мутахассислар картошкани ушбу усимликлар билан алмашлаб экишни тавсия этади. Хусусан, уруг кадаш жараёнида «чукурча»га пиёз пустлогини ҳам ташлаб куйиш яхши самара беради.

5. Усимликлар клиникалари. Кунгиз, яна hozirda таркалаётган картошка куяси билан курашга киришаётганда, шуни ёдда тутингки, уларни турли захарли моддалар билан буткул йук килиш — имконсиз. Хар популяция даврида жонини омон саклашнинг уддасидан чиккан хашарот барибир топилади. Бу — хар йили навбати билан энг сунгги авлоддаги препаратларни куллаш лозимлигини англатади. Бунинг учун, масалан, «Усимликлар клиникалари»га мурожаат килишингиз мумкин. Кимёвий препаратлардан куйдагилари тавсия этилади. Колорадо кўнғизига карши самарали кураш воситалари йўк. Мухими карантин тадбирлари. Кимёвий препаратлардан фозалон, бульдок, децис, конфидор, маспиан, хостатион, регент, сумиальфа ва б. дан фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. К., & Мирабдулаева, Н. (2020). БИОЛОГИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА «АБАМ ЭКСТРА» ПРОТИВ ЯБЛОНЕВОЙ ПЛОДОЖОРКИ. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 148-150.
2. Исашова, У. А., & Рахмонова, М. К. (2020). ЗНАЧЕНИЕ ПАРАЗИТАРНЫХ ЭНТОМОФАГОВ ПРИ УПРАВЛЕНИИ ЧИСЛЕННОСТЬЮ ТЛЕЙ В ОВОЩНЫХ КУЛЬТУРАХ. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 139-141.
3. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. Х., & Абдуллаева, Г. Д. (2019). ИНТЕНСИВНЫЕ ЯБЛОНЕВЫЕ САДЫ: БИОМЕТОДЫ. *Вестник науки*, 1(12), 252-256.